

# Муҳаммад алайҳиссалом — Аллоҳнинг Расули



16:05 / 03.11.2019 2416

Ассалом алайкум ҳурматли устозлар. Менинг ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳурматим чексиз. Аллоҳдан у кишини тушимда кўришни, жаннатларда қўшни бўлишни дуо қилиб сўрайман. Танловга мен ҳам бир ҳаваскор сифатида қатнашмоқчиман. Бу шеърни мувашшаҳ шаклида ёздим. Яъни шеърнинг бош ҳарфлари қўшиб ўқилганда «Муҳаммад алайҳиссалом -Аллоҳнинг Расули» жумласи келиб чиқади. Мавлид тадбири шиори шу бўлгани учун ушбу жумлани танладим. Бу шеърда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг исм-сифатларини иложи борича жамлашга ҳаракат қилдим. Хато нуқсонлари учун Аллоҳдан мағфират этишини сўрайман.

**М**аккада порлаган юлдуз эмас, ойсиз Набийим,

**У**мматларга ҳам дўсту ҳам ёрсиз Набийим.

**Ҳошимий, арабий, мунжий Набийим**

**Аминим бир бора тушимга киринг**

**Мутаҳҳар бир бора тушимга киринг.**

**Мубашширу фозил, шафиқ, одилсиз,**

**Азизсиз, важиҳсиз, солиҳ ўзингиз.**

**Далилул хойрот, содиқ, мусаддиқ,**

**Абу Иброҳим бир тушимга киринг,**

**Ложувард нур бўлиб тушимга киринг.**

**Аллоҳим танлаган, ҳодий, музаккир,**

**Йўлбошчи айлаган бандаларига**

**Ҳарисун алайкум, қоидул-ғуррил**

**Иймонул-муттақин тушимга киринг.**

**Саййидул-мурсалин тушимга киринг.**

**Сўзларингиз даво мўмин дардига**

**Аҳидо эргаштириб бизни ҳақ йўлга.**

**Лойиқ уммат бўлмоқ истагим сизга,**

**Оқибо бир бора тушимга киринг**

**Мустафо, мунзиро тушимга киринг.**

**Аслзодадирсиз, Ҳотамур-Расул,**

**Лойингизни тоблаб яратган Раббим.**

**Лафзи ҳалол болиғ, воҳиду вакил.**

**Ошиқман, бир бора тушимга киринг.**

**Ҳотамул-анбиё тушимга киринг.**

**Насиҳ, шофий, набийют-тавба,**

**И**лоҳий нур бордир юзларингизда.

**Н**ошир, Мухтор, Носир, мушаффаъ,

**Г**ул бўйли Набийим тушимга киринг.

**Р**асулуллоҳ бир бора тушимга киринг.

**А**ллоҳ жаннатингда қўшни қил бизни,

**С**оиқ қизлари билан дугона бўлай.

**У**лар билан гўзал суҳбатлар қурай,

**Л**утф этиб бир бора тушимга киринг.

**И**стагим бир бора тушимга киринг.

***Тўраева Дилдора***

***Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Кумушкент қишлоғи.***